

Объектда жорий таъмирлаш ишларини бажаришга тузилган 308/5-У/22-сонли

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

2022 йил 14 09

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИНТАҚАВИЙ ЙУЛЛАРГА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ДУК номидан Устав асосида иш юритувчи директор **О.Абдуназаров** бир томондан ва «BIZNES IDEAL COMFORT SARDOBA» МЧЖ (кейинги ўринларда «Пудратчи») номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Г.Шеркулова** иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 ноябрдаги 702 сонли қарори бўйича бюджет маблағлари ҳисобидан **Яшнобод тумани "Чинор" МФЙ Ойдинкўл 2-ўтар кўчасини жорий таъмирлаш** ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисидаги 684-сонли қонунига асосан <https://xarid.uzex.uz> махсус ахборот портали орқали (Лот рақами **22110012143464**) эълон қилинган ва «Тошкент шаҳри минтақавий йулларга буюртмачи хизмати» ДУК харид комиссиясининг 2022 йил 14 09 даги баённомасига асосан қуйидаги шартномани туздилар.

### I. ТАЪРИФЛАР

**1.1.** Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект жорий таъмирига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»га ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - «Пудратчи» томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нарҳини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

**2.1.** «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича объектда жорий таъмирлаш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса «Пудратчи»га жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва молиялаштириш маъбаи Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ёки

Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети томонидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархларда шартноманинг умумий қиймати ҚҚС билан

**98 201 341 (тўқсон саккиз миллион икки юз бир минг уч юз қирқ бир) сўми** ташкил этади.

**3.1.** Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг (ундаги сунъий иншоотлар, кўприклар ва тоннелларнинг) жорий таъмирлаш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми «Буюртмачи» томонидан ўзгартирилганда;

- объектнинг жорий таъмирлаш ишлари муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқиши мумкин.

**3.2.** Тегишли асослар мавжуд бўлганда санаб ўтилган ўзгартиришлар «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасидаги шартномага қўшимча келишув тузиш билан расмийлаштирилади.

### IV. «ПУДРАТЧИ»НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

**4.1.** Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

жорий таъмирлаш ишлари бошланишдан олдин объектда жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш даври учун, «Буюртмачи» иштирокида жорий таъмирлаш олиб борилаётган йул қисмини ва ундаги мавжуд йул элементларини ўрнатилган тартибда далолатнома асосида йулдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул қилиб олади ва таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади;

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

лойиҳа-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари «Пудратчи» томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни мазкур объектнинг айрим харажатлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида «Буюртмачи»нинг рухсати билан йуналтирилиши мумкин;

объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва «Буюртмачи»га топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

шартнома шартларига асосан объектни «Буюртмачи»га тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

«Пудратчи» қурилиш давомида лойиҳа-смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни ва шу муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа, бу тўғрида «Буюртмачи»га хабар бериши шарт;

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг I-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, қурилиш коидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни

«Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни амалга оширади;

зарур ҳолларда қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуради;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирларнинг бажарилишини таъминлайди;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатади;

қурилиш майдони кўрикланишини таъминлайди;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан муҳандислик коммуникацияларини қуриш, кўчириш (газ, алоқа, сув, канализация, электр ўтказиш тармоқлари ва ҳаказо) бўйича махсус ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб қилган ҳолда қурилиш-монтаж ишларини бажаришни ўз зиммасига олади.

**4.2. «Пудратчи»** мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ёки ўрнатилган тартибда «Ёрдамчи пудратчи» ёллаган ҳолда, зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йул қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

**4.3. «Пудратчи»** ташкилот томонидан қурилиш-таъмирлаш ишлари (лаборатория хулосаси) яқунлангандан сўнг 10 (ўн) кун муддатда фойдаланишга топшириш ишчи комиссия далолатномаси топширилади.

**4.4. «Буюртмачи»** томонидан тегишли Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан утказиш учун жўнатилган электрон шартнома «Пудратчи» ташкилот томонидан ўз вақтида қабул қилиши шарт (жўнатилган вақтдан 3 соат муддатдан кечиктирмасдан).

## **V. «БУЮРТМАЧИ»НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**5.1.** Мазкур шартномани бажариш учун «Буюртмачи»:

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган «Пудратчи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, «Пудратчи»дан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

«Пудратчи»нинг барча мурожаатларини ўн беш кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан «Пудратчи»га молиялаштириш манбаи бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ёки Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети томонидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан 30 % (ўттиз фоиз) миқдорда бўнак (аванс) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

«Буюртмачи» «Пудратчи»га ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

«Буюртмачи» 5 кунлик муддат ичида «Пудратчи» томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришни ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган ҳужжатларда камчиликлар аниқланса, уларни кўрсатган ҳолда «Пудратчи»га қайтариб

беради.

Агар техник хужжатларга ўзгартиришлар киритиш туфайли бажарилиши керак бўладиган қўшимча ишлар қиймати жихатидан сметада кўрсатилган қурилиш умумий қийматининг ўн фоиздан ошиб кетмаса ва қурилиш-пудрат шартномасида назарда тутилган ишларнинг хусусиятини ўзгартирмаса, Буюртмачи-Лойихачи техник хужжатларга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

Техник хужжатларга ўзгартиришлар ўн фоиздан каттароқ ҳажмда ўзгартиришлар киритиш тарафлар келишган қўшимча смета асосида амалга оширилади.

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

**6.1.** Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кундан бошлаб кучга кириди ҳамда 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

**6.2.** «Пудратчи» мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

**6.3.** Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадваллари бўйича амалга оширилади.

**6.4.** «Пудратчи» ишни бажаришнинг бошланғич ва охири, шунингдек оралик муддатларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

## **VII. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР**

**7.1.** «Буюртмачи» «Пудратчи»га шартноманинг 5.1.-бандига асосан шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бунак (аванс) маблағи ўтказилади.

**7.2.** Мазкур пудрат шартномаси кучга кирган кундан «Пудратчи» томонидан ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ўз имконияти ҳисобидан объектда жорий таъмирлаш ишларини бошлайди.

**7.3.** «Буюртмачи» ва «Пудратчи» томонидан ҳар ойда бажарилган жорий таъмирлаш ишларини «Маълумотнома-ҳисоб-фактура» билан расмийлаштирилади, бунда ишларнинг конструктив элементлари (турлари) бўйича физик ва қиймат курсаткичлари 1-иловага асосан акс эттирилади ва 2-иловага асосан молиялаштириш манбаи бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ёки Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети томонидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан молиялаштирилади.

**7.4.** Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган «Маълумотнома-ҳисоб-фактура»га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ҳар ойда, ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизигача жорий молиялаштирилиши амалга оширилади.

**7.5.** Объект ишчи комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилиб олинган кундан 12 (ўн икки) ойлик кафолат муддати ўтгунга қадар «Пудратчи» бажарилган ишларнинг сифати учун жавоб беради.

**7.6.** «Пудратчи» объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект фойдаланувчи ташкилотга топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йуқ қилиниши ва шикастланиши хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида бўлади.

## **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

**8.1.** «Буюртмачи» объектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек «Пудратчи» томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

**8.2.** Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳукукига эгадир.

**8.3.** «Пудратчи» техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи «Пудратчи» томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш объектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

**8.4.** «Пудратчи» таъмирлаш даврида «Буюртмачи»нинг вакилини (техник кузатувчини) объектда иш жойи билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

**8.5.** «Пудратчи» объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш ҳужжатларини, қилинган сарф-ҳаражатларни «Буюртмачи» томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан охиригача объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро ҳужжатлари билан) кейинги ойнинг биринчи кунига қадар «Буюртмачи»га топширади.

**8.6.** Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йул қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган ҳолда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

**8.7.** Ишларни бажариш жараёнида, ишлаш технологияси ва сифатини бузмаган ҳолда, ўз имкониятлардан келиб чиқиб ишлаш усули ва машина –механизмларнинг бир туридан бошқа ишлаб чиқариш қуввати билан механизмларга алмаштириш ва амалда бажарилган иш ҳажмлари баҳосини аниқлашда «Пудратчи» амалдаги нарх ва механизмлар бўйича лойиха смета ҳужжатларида ажратилган маблағдан чиқмаган ҳолда расмийлаштириш ҳукукига эга.

**8.8.** «Пудратчи» ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

«Пудратчи» объектда ишларни олиб бориш тартибини ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги Йул қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси билан келишади ва унга риюя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

**8.9.** Объектда умумий тартибни таъминлаш «Пудратчи»нинг вазифаси ҳисобланади.

**8.10.** «Пудратчи» геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги, тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

**8.11.** Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, «Пудратчи» «Буюртмачи» билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

**8.12.** «Пудратчи» геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича «Буюртмачи»га беради.

**8.13.** «Пудратчи» ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

**8.14.** Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин «Пудратчи» «Буюртмачи»ни ва ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги Йул қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

**8.15.** Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ишларни куйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади:

«Буюртмачи»нинг вакили – техник назоратчи (раис), «Пудратчи» ташкилот вакили – иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда), йулга хизмат кўрсатадиган йул ташкилоти вакили, лойиҳа ташкилоти вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда).

Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

**8.16.** «Пудратчи» «Буюртмачи»нинг қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

**8.17.** Агар беркитиладиган ишлар «Буюртмачи»нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича «Пудратчи» «Буюртмачи»нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

«Пудратчи» «Буюртмачи»нинг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни «Буюртмачи»нинг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига ва кийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

Объектни жорий таъмирлаш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралик ишларни қабул қилиб олишда «Буюртмачи» томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу объектга хизмат кўрсатадиган йул ташкилоти жалб этилиши мумкин.

Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралиқ) қабул қилиб олиш «Буюртмачи» ва «Пудратчи» томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишлар ва объектнинг тугалланган конструктив элементларини ойлик (оралиқ) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, миқдор ва киймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс эттирилган ҳолда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

**8.18.** Агар «Буюртмачи» «Пудратчи» ва (ёки) унинг «Ёрдамчи пудратчи»лари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда «Пудратчи» ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

**8.19.** «Пудратчи» қурилиш майдонини ва унга туташ йул участкалари ва йулакларнинг озодалигини таъминлайди.

**8.20.** Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунга қадар «Пудратчи» жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, кунлик ўртача ҳаво ҳарорати ва ёгингарчиликлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар, ҳамда объектга қабул қилинаётган асфальтобетон маҳсулотининг заводдан чиқиш ҳарорати ва йулга қабул қилинаётган ҳарорати) акс эттирилади.

Агар «Буюртмачи» ишларнинг бориши ва сифатидан ёки «Пудратчи»нинг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда ўз фикрини баён қилади.

«Пудратчи» дафтарда «Буюртмачи» томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни кўрсатилган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ**

**9.1.** «Пудратчи» таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмири тугалланган объект «Буюртмачи» томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

## **X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

**10.1.** Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулодда вазиятлар, фавқулодда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

«Пудратчи»нинг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда ёқлиги, «Пудратчи»да зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

**10.2.** Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда «Пудратчи» ва «Буюртмачи» ишларни давом эттириш ёки уларни консервасия қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

## **XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

**11.1.** Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Жорий таъмирланган объект ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида «Пудратчи» ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

«Пудратчи» ташкилот ишчи комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда маъсул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;
- қабул қилишга тақдим этилган йулнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;
- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;
- йул-қурилиш материаллари ва йул тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупрок жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;
- ишларни бажариш ва муаллифлик назорати журналлари;
- ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги Йул қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф қилинганлиги тўғрисидаги далолатномалари.

**11.2.** Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида «Пудратчи»нинг ёзма билдиришномаси асосида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб

олинади.

**11.3.** «Пудратчи» жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ «Буюртмачи»га «Буюртмачи» томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. «Пудратчи» «Буюртмачи»га ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

**11.4.** Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йуллардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

## **XII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ**

### **12.1. Томонлар:**

Томонлар, уларнинг афилланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузулишига олиб келинадиган ва/ёки коррупция характериға эға бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмағирлик, пора олишға бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти ҳаракатлари/ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

Томонлар, уларнинг афилланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилиға хизматларини беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига қандайдир хатти ҳаракатларни/ ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашға қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

**12.2.** Томонлар ушбу илованинг 5.1 бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзаға келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақда иккинчи томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **XIII. КАФОЛАТЛАР**

### **13.1. «Пудратчи»:**

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа-смета ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларға мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларға, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бартараф этишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

**13.2.** Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

**13.3.** Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса,



у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар «Пудратчи» томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртмачи»нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар «Пудратчи» бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида урнатилган тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

**13.4.** «Пудратчи» нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги Йул қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспексияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Хўжалик Судиغا мурожаат қилишини истисно этмайди.

#### **XIV. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

**14.1.** Мазкур шартнома «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг ўзаро келишуви асосида бекор қилиниши мумкин, агарда келишув бўлмаса Тошкент Туманлараро Иқтисодий Судида кўриб чиқилади.

#### **XV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**15.1.** Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади;

ётиқ чизиклар чизиш ишларини олиб бораётган «Пудратчи» ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ «Буюртмачи» олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкый жавобгардир:

сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

«Буюртмачи» билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж қилиш муддатларининг бузилиши;

объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган ерларни рекультивация қилиш ишларини бажариш ҳажмлари ва муддатларининг бузилиши;

ётиқ чизиклар чизиш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда «Пудратчи» муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йул қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани;

«Пудратчи» ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида «Буюртмачи», «Пудратчи»дан ўз ихтиёрига кўра қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

Агар «Пудратчи» ташкилот нуқсонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, «Буюртмачи» ёки йулдан фойдаланувчи ташкилот ўз кучи билан «Пудратчи» ҳисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

**15.2.** Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя

қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун «Буюртмачи» «Пудратчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши «Буюртмачи»ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

**15.3.** «Пудратчи» томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, «Пудратчи» «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш «Пудратчи»ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

**15.4.** Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда «Буюртмачи» ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Ё'л қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек «Пудратчи»дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунларда белгиланган миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга. «Буюртмачи» томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун «Пудратчи» «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига асосан сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20% (фоизи) миқдорида жарима тўлайди.

**15.5.** Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги, ёки лозим даражада бажарилмаганлиги мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йуқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

«Буюртмачи» «Пудратчи»нинг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида «Буюртмачи»га қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, «Буюртмачи» ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

**15.6.** Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## **XVI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

**16.1.** Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йули билан ҳал этилади.

Низолар музокара натижасида келишувга эришилмаган тақдирда даъво қилувчи томон юзага келган низо юзасидан Тошкент туманлараро иқтисодий судига ўрнатилган тартибда даъво аризаси билан муурожаат қилади.

## **XVII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

**17.1.** Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йуқотади.

**17.2.** «Пудратчи» қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш

хужжатларини «Буюртмачи»нинг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи «Пудратчи»лардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳукукига эга бўлмайди.

17.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

17.4. «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

17.5. Агар «Пудратчи» шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда «Буюртмачи» «Пудратчи» қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

17.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

17.7. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирилади ҳамда томонлар ўз мажбуриятини тўлиқ бажаргунигача қадар амал қилади.

17.8. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

17.9. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатлар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

17.10. Мазкур шартномага қуйидагилар илова қилинади;

1-илова – Бажариш жадвали.

2-илова – Молиялаштириш жадвали.

## ХУШ ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

### «БУЮРТМАЧИ»

### «ПУДРАТЧИ»

«ТОШКЕНТ ШАХРИ МИНТАҚАВИЙ  
ЙУЛЛАРГА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ»  
ДУК

«BIZNES IDEAL COMFORT SARDOBA»  
MCHJ

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри,  
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 68 уй

Манзил: Сирдарё вилояти Сардоба тумани  
Пахтобод Халқобод МФЙ, Халқобод  
кўчаси 44-6 уй

Ш/х:304521860262697045129118438

СТИР: 304 893 532 ОКЕД 71120

х/р: 2020 8000 4054 1843 7001 Халқ  
Банки Сардоба филиали

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги  
Ғазначилигининг Амалиёт бошқармаси

МФО: 00763

х/г 23 402 000 300 100 001 010

ИНН: 308 717 990

МФО: 00014 СТИР: 304 893 532

Тел: (99) 637-75-34

МБ Тошкент шаҳар бўйича ББХКМ

Директор

О. Абдуназаров

Директор

Г.Шеркулова

10/11/2020

2022 йил 09 даги 308/57/22 -сонли шартномага 1-илова

Объект:  
 Яшнобод тумани "Чинор" МФЙ Ойдинкўл 2-ўтар кўчасини жорий таъмирлаш  
 БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ

№	Амалга оширилган ишлар	Йил	2022 йил												Умумий қиймати		
			I-чорак			II-чорак			III-чорак			IV-чорак					
			январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр			
1	Қурилиш-монтаж ишлари	2022											49 100 671	49 100 671	49 100 671		98 201 341
	Жами												49 100 671	49 100 671	49 100 671		98 201 341



"БҮЮРТМА"ЧИ  
 Директор О. Абдуназаров

Директор Г. Шеркулова

2022 йил 19.09 даги 308/57/18 -сонли шартномага 2-илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 ноябрдаги 702-сонли қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 16 февралдаги 0-14-0-0/22-сонли қарорига асосан таъмирлашни белгиланган кўчалар

Яшнобод тумани "Чирноқ" МФЙ Ойдинсул 2-ўтар кўчасини жорий таъмирлаш

МОЛИЯЛАНТИРИШ РЕЖАСИ

304521860262697045129118438	Х/Р	2022 йил												Жами						
		Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр							
Молиялаштириш жалави	Йил																			
Йиллик иш ҳажмидан ҳисобланган 30% аванс маблағи (Республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан молиялаштириши)	2022									29 460,402							29 460,402			
Ажратилган аванс маблағи четирилишни ойлар буйича тақсимланган қисми (Республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан молиялаштириши)	2022									29 460,402							29 460,402			
Ажратилган аванс маблағини инобатга олиб бажарилган ишларни молиялаштиришга ажратилган маблағ (Республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан молиялаштириши)	2022												68 740,939				68 740,939			
Жами сумма ойлар кесимида	2022									0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	0,000	29 460,402	68 740,939	0,000	0,000	98 201,341
Жами														98 201 341 (Тўқсон саккиз миллион икки юз бир минг уч юз кىрк бир) сўм						

МИЛГ СЎМ

"БУЮРТМАЧИ"  
 "Тошкент шаҳри минтақавий йўллар ва транспорт қўшничи" ДУК  
 О. Абдуназаров  
 Директори



"ПУДРАТЧИ"  
 "BIZNES IDEAL KOMFORT SARDOBA" MCHJ  
 Директори  
 Г. Шеркулова





**TASDIKLAYMAN**  
**“Toshkent shahar mintaqaviy yo'llarga**  
**buyurtmachi xizmati” DUK direktori, komissiya raisi**  
**O.Abdunazarov**

**“Toshkent shahar mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati” DUK joriy ta'mirlash**  
**ishlari bo'yicha qurilish tashkilotlar o'rtasida tanlov o'tkazish bo'yicha komissiya yig'ilishi**

**BAYONNOMASI №**

Toshkent sh.

2022 yil “19” 09

Ishtirok ettilar:

Komissiya raisi:	“Toshkent shahar mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati” DUK direktori	O.Abdunazarov
Komissiya a'zolari:	Transport vazirligi qoshidagi Yo'l sifatini nazorat qilish inspeksiyasi vakili	Xamroqulov Rasuljon
	Toshkent shahri soliq boshqarmasi vakili	Ergashev Feruz
	Toshkent shahar hokimligi vakili	Tursunov Zafarxo'ja
	Toshkent shahar moliya boshqarmasi vakili	Tadjibayev Eldor
Komissiya kotibi	“Toshkent shahar mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati” DUK TTE va shartnomalar bo'limi boshlig'i	Fayzullayev I

**KUN TARTIBI:**

**“Toshkent shahar mintaqaviy yo'llarga buyurtmachi xizmati” DUK**  
**joriy ta'mirlash ishlari bo'yicha**  
**qurilish tashkilotlar o'rtasida tanlov o'tkazish bo'yicha**  
**(O.Abdunazarov, R. Xamroqulov, F.Ergashev, Z.Tursunov, E.Tadjibayev, I. Fayzullayev)**

